

• <b>ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАНЛИГИГА 30 ЙИЛ ТЎЛДИ</b> <b>Йўлдошева Д.Н.</b> Миллий тил – миллатни шакллантирувчи восита .....	3
• <b>ANIQ VA TABIIY FANLAR</b>	
<b>Джўраев Д.Р., Шарипов М.З., Хайитов Д.Э., Эргашева Н.М., Ризокулов М.Н., Шамсиев Р.Х.</b> Динамика колебательного движения доменных границ в феррите-гранате $Tb_3Fe_5O_{12}$ .....	6
<b>Дурдиев Д.К., Жумаев Ж.Ж.</b> Задача определения ядра в многомерном интегродифференциальном уравнении теплопроводности .....	10
<b>Гулямов Г., Эркабоев У.И., Шахобиддинов Б.Б., Давлатов А.Б.</b> Температурная зависимость осцилляции продольной электропроводимости в узкозонных полупроводниках.....	18
<b>Холмуродов А.Э., Дилмуродов Н., Мамасолиев Б.Ж.</b> Инвариантные и частично инвариантные решения системы уравнений двухскоростной гидродинамики с равновесием фаз по давлению.....	23
<b>Расулов Т.Х., Бахронов Б.И.</b> Пороговые собственные значения и резонансы модели Фридрикса с двумерным возмущением.....	31
<b>Зуннунов А.О.</b> Доирадаги содда дифференциал ўйинларда кувиш масаласи.....	38
<b>Уринов Ж.Р.</b> Свойства неавтоклавных ячеистых бетонов при длительном действии нагрузок.....	47
<b>Жумаев М.Р., Шарипов М.З., Миржоннова Н.Н.</b> Резонансно – диссипативная модель эффекта фарадея в немагнитных диэлектрических средах .....	51
<b>Убайдуллаева Ш.Р., Абдуллаев Ҳ.Ҳ.</b> Использование метода динамических графовых моделей для расчета реленых систем автоматического управления.....	55
<b>Хўжаев И.Қ., Ҳамдамов М.М.</b> Ўққа нисбатан симметрик турбулент оқимда метаннинг диффузион ёнишига доир сонли тажриба натижалари .....	59
<b>Жўраев А.Қ., Жўраев У.А., Шодиева С.У.</b> Суғорма деҳқончиликда ресурстежамкор суғориш технологияларини қўллаш.....	65
<b>Avezmurotov O., Avezmuratova Z.A., Bekberganov A.X.</b> Zodiak yulduz turkumlarini mars yordamida vizual kuzatish uslubi.....	69
• <b>TILSHUNOSLIK</b>	
<b>Сайфуллаева Р.Р., Мамадалиева Н.С., Абузалова М.К., Халикова М.Х.</b> Грамматик валентлик ва унинг синтактик қурилма тузилишини белгилашдаги аҳамияти.....	73
<b>Зикриллаев Ғ.Н., Жумаев Э.Б.</b> Хорижий тилшуносликда матн ва унга алоқадор масалалар талқини.....	79
<b>Бегимов О.Т.</b> Оқ ва қора сўзларининг апеллятив ва оронимик сатҳда қўлланиш хусусиятлари.....	88
<b>Нигматова Л.Х.</b> Из истории лексикографии.....	93
<b>Хамроева Ш.М.</b> Корпус лингвистикасининг бугунги ҳолати.....	98
<b>Kuldashova N.B., Xamidova M.X.</b> Valeurs de la terminologie dans la linguistique .....	106
<b>Холматова В.Н.</b> Нутқий фаолият феъллари коммуникатив восита сифатида .....	109
<b>Ахмедова Д.Б.</b> Ўзбек тили атов бирликлари ўртасидаги лексик-семантик муносабат асосида семантик теглар мажмуини яратиш .....	115
<b>Ходжиев Ю.Н.</b> “Алпомиш” тили – маънавий тили .....	121
<b>Ширинова М.Ш.</b> Ортология адабий меъёр ҳақидаги фан сифатида.....	127
<b>Sayidova G.Y.</b> Shavkat Rahmon she'riyatidagi zoomorf metaforalarning lingvomadaniy xususiyatlari .....	131
• <b>ADABIYOTSHUNOSLIK</b>	
<b>Бақоева М.Қ.</b> Инглиз ва америка шеърятидан ўзбекчага таржималарда қофиянинг берилиши муаммолари .....	136
<b>Турысбек Р.С.</b> Перевод – искусство воссоздания.....	145
<b>Ахмедова Ш.Н., Тешаева Г.Ж.</b> Жамол Камол – лирика назарийтчиси сифатида .....	149
<b>Пардаева З.Дж.</b> Аёл образи: талқин ва таҳлил .....	154
<b>Мухитдинова Н.М.</b> Муҳаммад Ғозий ҳаёти ва ижоди .....	159
<b>Қобилова Н.С.</b> Ижодкор ва ижод психологияси .....	164
<b>Астанов Г.А.</b> “Минг бир кеча” ва жаҳон адабиёти.....	170
<b>Қаҳҳорова Ш.А.</b> Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида фано талқини.....	176

<b>Тоирова Д.Ф.</b> Стремление к натуралистическому анализу деталей быта в произведениях Эмиля Золя.....	180
<b>Адизова О.И., Қаҳҳорова Г.Ш.</b> Навоий асарларини англашда биографик методдан фойдаланишнинг аҳамияти.....	184
<b>Баротова М.Б.</b> Эркин Аъзам асарлари инглизча таржимасида реалияларнинг берилиши.....	189
<b>Муртазаева Ф.Р.</b> Философия «Женской прозы».....	195
<b>Хурсанов Д.Б.</b> Усмон Азим шеърятини ёпиқ макон ифодалари.....	198
<b>Ражабова Р.З.</b> Насрий адабий эртақларда анъанавий мотивлар ва мифологик образлар стилизацияси.....	202
<b>Холбоева С.З.</b> Особенности монтажной композиции в мини-романах «Сад» и «Шиповник» Магнуса Флорина и Улугбека Хамдама.....	206
<b>• NAVOIY GULSHANI</b>	
<b>Сафарова Ҳ.О.</b> “Фано майхонасида қил гадолиғ”.....	211
<b>• FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK</b>	
<b>Sharipova O.T., Gulamova M.M.</b> The issues of science and honesty in the doctrine of A. Gijduvani.....	214
<b>Мусаев М.Т.</b> Прозелитизм ҳаракати ва унинг ғоявий-мафкуравий экспанцияси.....	218
<b>Қодиров Д.Ҳ., Мавлонова Ў.Ҳ., Адизов Р.Х.</b> Аҳлу сунна уламоларининг тасаввуфга муносабати ва фикрлари.....	222
<b>Курбанова Н.Ш.</b> Оммавий ахборот воситалари демократик тамойиллар қафолати: миллий ва хорижий тажриба.....	227
<b>Муродов С.А.</b> Фаридуддин Атторнинг онтологик назарияси.....	233
<b>Isakova D.F., Teshaboyeva D.M.</b> “Mentality and mental setup” - as a socio cultural philosophy phenomenon.....	237
<b>Иноятов М.Б.</b> Ўзбекистонда жамиятни демократлаштиришнинг умумбашарий ва миллий тамойиллари уйғунлашувининг ўзига хос жиҳатлари.....	241
<b>Содиқова Г.О.</b> Ўсмирлик даврида мустақил қарор қабул қилишнинг психологик ўрганилганлик ҳолати.....	245
<b>• TARIKSHUNOSLIK</b>	
<b>Ҳайитов Ш.А.</b> Туркия республикасидаги туркистонликлар матбуоти (1920-1960 йиллар).....	249
<b>• PEDAGOGIKA</b>	
<b>Бабашев Ф.А., Тангирбердиева Н.С.</b> Умумий ўрта таълим мактабларида инглиз тили дарсларида ўлкашунослик компонентларидан фойдаланишнинг айрим томонлари.....	254
<b>Нарзикулова Ф.Б.</b> Характеристика и структура профессионального имиджа.....	258
<b>Toirova G.I., Raximova N.K.</b> “Hozirgi o‘zbek adabiy tili” fanini o‘qitishda masofaviy ta’limning imkoniyatlaridan foydalanish.....	263
<b>Ҳазратов Ў.Ҳ., Аслонова И.Ж., Халимова Д.Ж.</b> Ҳамширалик иши фанини ўқитишда интерфаол усулларнинг аҳамияти.....	269
<b>Исмоилова М.Н., Ҳалимова Д.Ж.</b> Использование технологии эвристического обучения в высшем образовании.....	273
<b>Джабаров Э.Р.</b> Обучающие игры как один из инновационных методов обучения русскому языку в иноязычных группах.....	279
<b>Саидова У.Ў.</b> Ёшлар тарбиясида Алишер Навоий ҳикматларидан фойдаланиш.....	282
<b>• SAN’ATSHUNOSLIK</b>	
<b>Ҳакимова Г.А., Шарипова М.М.</b> Дўппиларда рамзийликнинг акс этиши.....	287
<b>Каримова М.В.</b> Ўзбек миллий мақом санъати муаммолари.....	291
<b>Қўшаев И.А.</b> Бахшичилик санъати мактаблари ва уларнинг ижро хусусиятлари.....	295
<b>• E’LON</b>	
<b>“Buxoro davlat universiteti ilmiy axboroti”</b> jurnalida maqola e’lon qilish talab va shartlari.....	299-300

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигига 30 йил тўлди

## МИЛЛИЙ ТИЛ – МИЛЛАТНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ВОСИТА

Йўлдошева Дилором Неъматовна

БухДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди

Миллий тил ўша тил эгалари маънавияти, маданияти, савиясини белгиловчи; миллатни миллат қилиб шакллантирувчи, халқни халқ сифатида юксалтирувчи беқиёс омилдир. Зеро, муайян миллатнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва юзага чиқиши этномаданий ҳодиса ҳисобланмиш миллий тил билан чамбарчас боғлиқ. Миллатпарвар юртдошимиз Абдурауф Фитрат тўғри таъкидлаганидек: «Миллатнинг ўзлигини, дунёда борлигини, ўзига хослигини белгиловчи омиллардан асосийси унинг она тилидир» [4]. Демак, тил миллат билан вобаста. Миллатнинг яратувчиси оналаримиз. Шунинг учун ҳам тилга нисбатан *она тили* бирлиги ишлатилиши табиий ҳол. Ҳа, тилга *она тили* даражасининг берилиши унга халқ томонидан, унинг соҳиблари томонидан кўрсатилган юксак эътиром намунасидир.

Хўш, унда нега тилга давлат тили мақоми берилади? Бу шунчалар муҳимми ёки шунчаки расмий эътироф холосми?

Тарих саҳифаларини варақлаймиз. Унда шундай маълумотларга дуч келамиз: Қадимги Римда Рим империясини тузиш, турли тилли, кўп сонли қабилаларни элат сифатида бириктириш учун латин тилини давлат тили деб эълон қилишган ва бу кутилгандан ортиқроқ самара берган.

Элхонийлар даврида туркий тил саройнинг расмий тили сифатида танланганлиги ёки темурий подшоҳ Хусайн Бойқаро туркий тилда асарлар ёзиш тўғрисида фармон чиқарганлигини ҳам биламиз. Демак, қадимдан тил давлат сиёсатининг бир қисми бўлиб келган.

Манбаларда *миллат~тил~давлат* бир-бирини тақозо этувчи, ҳеч бири алоҳида фаолият кўрсата олмайдиган ва бири-бирисиз тўлақонли бўла олмайдиган серқирра категориялар сифатида эътироф этилади. Фикримизча, бу сирани *она ~ тил ~ миллат ~ давлат~тараққиёт* сифатида тўлдириш зарур. Ваҳоланки, тил уммон мисоли. У шевалардан, бошқа тиллардан кириб келган лисоний бирликлар – жилғалар ҳисобига тўлиб мавжланиб туради. Шунинг учун тилнинг луғат таркиби очиқ система саналади. Жамият тараққиётида янги-янги тушунчаларнинг дунёга келиши билан тилда уларнинг номлари ҳам пайдо бўлади. Демак, ижтимоий ҳаётда рўй берган жамики ўзгариш, янгиланиш, аввало, оналаримиздек беминнат, ҳароратли тилимизда ўз аксини топади. Ҳаётимизда янгидан пайдо бўлган ҳар қандай нарса-буюм (*смартфон, неетбук, флешкарт...*), воқеа-ҳодиса (*видеоселектор, сайт, телеграм, манерам, портал...*), тушунча (*линк, глобал...*), соҳа (*ортология, лингвомаънавиятшунослик, лингвомаданиятшунослик, дублёрлик...*) ва бошқалар ўз номи билан кириб келади ва тилда турғунлашади.

1989 йил ўзбек тилига сиёсий эътибор қаратилиши ўзбек тилини оила, маҳалла тили даражасидан давлат тили мақомига кўтариб берди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Асосий тамойиллар” номли 1-бўлимида расмий мақом олган она тилимиз давлат суверенитети асосий рамзи сифатида қайд этилди [1]. Бу аждодларга армон бўлган орзуларнинг рўёби; юксак шараф, улуғ эътироф.

Она тилим–тож кийган тилим, юрагимнинг туб-тубидан жаранг сочган тилим! Тириклик оламида нафас олишни бошлаган кунимданоқ онам алласи бўлиб жон томиримга синган тилим! Асрлар суронидан омон келган; “халқ ғамидин ўзга ғами йўқ” ҳазрат Навоий, “анда жони қолган” Бобур, “иқболи нигун, бахти ҳам қаро” Фурқат, “тил воситаю, робитаю, оламиёндин” дегувчи Аваз, сени деб жонидан кечган Фитрату Қодирийлар, Чўлпону Элбеклар суйиб ўтган туркий забонимсан!

Ҳа, “муҳаббатшева”, “булбулталқин”, “асалчой таъмли”, “ипакқанот” тилимиз бор. Ва яна тилимизнинг бошқа тил қолипларига тушмайдиган, ўзига хос ривожланиш йўллари ҳам борки, у “уруғи ерга тўкилиб, ўзи униб, гуркираб, шигил мева бераётган



серхосил дарахт”га ўхшайди. Фикримизнинг далили сифатида қуйидаги мисолларни келтирамиз:

1. Тақлид сўзлар славян, ҳинд-европа тиллари учун, деярли, хос эмас. (Ўзбек тили ва рус тили хусусиятларини типологик характерда солиштириб ўрганган олима М.Саидова рус тилида бор-йўғи 8 та тақлидий сўз борлигини эътироф этган.)

Ўзбек тилида товуш ҳамда ҳолатга тақлидни билдирган сўзлар ниҳоятда кўп бўлиб, қизиқ томони шундаки, уларнинг аксариятидан ё феъллар, ё нарса-буюм отлари ясалган. Чунончи, *жиз (жизилламоқ), шов (шовилламоқ), шув (шувилламоқ), дир (дирилламоқ), тар (тарилламоқ), ялт (ялтллламоқ), жирт (жиртилламоқ); как-ку (какку), шақ-шақ (олашақшақ), лак-лак (лаклак, кейинчалик лайлак), кур-кур (курбақа), чир-чир (чирилдоқ), шар-шар (шашара), тақ (тақа), жиз (жизза), шиқ-шиқ (шиқилдоқ), шилп-шилп (шилпилдоқ), шип-шип (шиппак)* ва ҳ.

2. Тилимизга кундалик ҳаётимиз билан боғлиқ тарзда *пайнет, флешкарт, диск, принтер, сайт, телеграм, смартфон; лаваш, чизбургер, хотдог* каби лексик бирликлар четдан кириб келди. Ҳали буларнинг аксарияти бизнинг ёзма луғатаримиздан ўрин олишга улгурмади ҳам.

Нутқимизда эса аллақачон биз улардан ясаб олган янги сўзларимиз ишлатилмоқда: *пайнетчи, пайнетли, пайнет қилмоқ; флешкартфуруш, флешкартли, флешкартсиз, флешкартсоз; дискчи, дискфуруш, дискли, дисксиз; принтерчи, принтерфуруш, принтерсоз, принтерли, принтерсиз; сайтсоз, сайтчи, сайтли, сайтсиз, сайтдаги; телеграмчи, телеграмли, телеграмсиз, телеграмдаги; смартфончи, смартфонфуруш, смартфонсоз, смартфонли, смартфонсиз, смартфондаги; лавашчи, лавашхўр, лавашшунос, лавашфуруш* ва б.

3. Ўзбек тилида айтилиши, қўлланилиши ноқулай ёки ножоиз бўлган лексик бирликлар ўрнида айнан ўша маънони берувчи бошқа бирликлар қўлланиладики, булар фанда эвфемизмлар деб номланади. Тилимизда “ўлмоқ” феълнинг ўрнида беш юзга яқин, “туғмоқ”нинг ўрнида ўттиздан ортиқ эвфемик вариантлар ишлатилиши аниқланган [3]).

4. Ўзбек тилида биргина *урмоқ* феъли ўнга яқин сўз билан даражаланиш қаторини хосил қила олади: *урмоқ – калтакламоқ – дўппосламоқ – савамоқ – саваламоқ – солмоқ – тушурмоқ – сўқимоқ*.

Ёки биргина *ғўзал* сўзининг антонимини ўндан ортиқ бирликларда ифодалай оламиз: *хунук – бадбашара – бадбуруш – бадқовоқ – тасқара – бедаво – таъвия – беўхшов – бесўнақай – бадсурат – надомат* каби.

Бу сингари ҳамма тилларда ҳам учрайвермайдиган мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Тилимиз бой, фахрланишимизга, мақтанишимизга арзигулик. Исталган фикрга ифода либосини кийдира оладиган даражада имкониятлари кенг. Шу боисдан ҳам у давлат тили мақомини олди. Зеро, давлат тили мақоми масаласи ҳар қандай мамлакат ва унинг тили учун ҳам муҳим аҳамият касб этади (Бироқ муайян тилнинг давлат тили деб эълон қилиниши у билан боғлиқ муаммоларни узил-кесил ҳал қилмайди, аксинча, тил эгаларининг зиммасига масъулият юклайди).

Тилимизга эътиборни кучайтириш борасида тил жонкуярлари, мутахассислар, ОАВ журналистларию блогерлар, умуман, тилини севган фидойилар тинимсиз чиқишлар қилиб турган бир пайтда биз уларни такрорлаб ўтиришни жоиз билмадик. Аммо қуйидаги статистик маълумотларни келтириб ўтишни ўринли деб ҳисобладик:

**Статистик маълумот:** Европа мамлакатларидан бири Норвегияда норвег тили давлат тили ҳисобланади. Давлат тилига оддий деҳқондан мамлакат раҳбаригача қатъий амал қилади. Барча иш юритишлар, ҳужжат ишлари, кўчалардаги ва бошқа жойлардаги ёзувлар ҳам фақат давлат тилида олиб борилади. (Ваҳоланки, маҳаллий аҳолининг деярли ҳаммаси инглиз тилини иккинчи тил сифатида яхши билади.)

Мабодо, Норвегияга яшаш ёки ишлашга борсангиз, ҳукумат сизга 6 ой норвег тилини ўрганиш учун шарт-шароит ва имконият яратиб беради.

Ҳа, агарда норвег тилини билмасангиз, (ўз ишингизнинг устаси ёки ноёб мутахассис бўлсангиз ҳам), сизни ҳеч қаерга, ҳаттоки, фаррошликка ҳам ишга олишмайди.

**Статистик маълумот:** Йўлингиз Францияга тушсаю, сиз кўчада француз фуқаросига инглиз тилида мурожаат қилсангиз, гарчи улар сизни жуда яхши тушуниб турсаларда, сизга француз тилида жавоб қайтаришади.

Германияда ҳам айнан шундай, истаган саволингизга немис тилида жавоб оласиз.

**Статистик маълумот:** Қозоғистонда Президент лавозимига номзод қозоқ тили бўйича имтихондан ўтказилади. Жорий йилда Қозоғистон Президенти лавозимига номзод, жамоат арбоби Жуматой Алиев давлат тили бўйича синовдан ўтолмади. Сабаби, у ёзма ишида 19 та имловий ва стилистик хатога йўл қўйган.

Хулоса ўрнида айтмоқчимизки, ҳар қандай мамлакатда ўзга тилларни ўрганиш, ўз она тили ҳисобига бўлмаслиги шарт. Шунингдек, миллий тил давлатни мустаҳкамлайди, тил соҳиби бўлган халқнинг маънавий емирилишлардан омон қолишини таъминлайди.

Тил – миллат қалби. Тил бор – миллат яшайди. Шундай экан, миллатини севган ҳар бир инсон тилининг тақдирига бепарво қараб турмаслиги жуда-жуда зарур.

### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 4-модда.
2. Давлат тили ҳақида. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни матнлари, қонун ости ҳужжатлар, қонунни амалга ошириш йўлидаги муаммо ва ечимлар. – Т.: Фан, 2008. – 75 б.
3. **Омонтурдиев А.Ж.** Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати.–Т.: Фан, 2006.–134 б.
4. Фитрат миллий феномени, адабий, илмий-назарий мероси, ижтимоий-сиёсий фаолиятига бағишланган иккинчи жумҳурият илм.-амал. анжумани материаллари. – Т., 1994. – 135 б.

**“BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIIY AXBOROTI” JURNALIDA MAQOLA E’LON QILISH TALAB VA SHARTLARI**

**Hurmatli mualliflar!** Mazkur ilmiy jurnalda maqola e’lon qilish uchun Siz shaxsan o’zingiz yoki elektron pochta orqali maqola matnini hamda muallif(lar) haqidagi quyidagi ma’lumotlarni jo’natishingiz kerak: muallif(lar)ning ism-sharifi (to’liq), ilmiy darajasi, ish joyi va lavozimi, *e-mail*, aloqa telefonibo’lishi lozim.

**Maqolani rasmiylashtirishga oid talablar**

Maqola tahririyatga Arial shrifti 11 o’lchamida, 1 interval oralig’ida, MS Word formatida 2 nusxa (bosma va elektron variant)da yuboriladi. Taqdim etiluvchi maqolalarning **hajmi 4** betdan kam bo’lmasligi kerak. Shuningdek, maqolada UDK raqami, maqola nomi, muallif(lar) haqidagima’lumotlarni, tayanch so’zlar va annotatsiya (o’zbek, rus, ingliz tilida) berilishi lozim.

УДК: 81`373.2:821.512.133(092)

**СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАРНИНГ СУБСТАНЦИАЛ АСОСЛАРИ**  
**СУБСТАНЦИАЛЬНАЯ ОСНОВА СИНТАКСИЧЕСКИХ КОНСТРУКЦИЙ**  
**SUBSTANSIAL BASIS OF SYNTACTIC CONSTRUCTIONS**

**Абузалова Мехринисо Кадировна**

*доцент кафедры узбекского языкознания БГУ, д-р филол. наук*

**Таянч сўзлар:** лексик валентлик, семантик валентлик, лексик-семантик валентлик, семантик-синтактик валентлик, /Wp/, содда гапларнинг минимал шакли, рамзий белги, эга, ҳол, кириш бирликлар.

**Ключевые слова:** лексическая валентность, семантическая валентность, лексико-семантическая валентность, семантико-синтаксическая валентность, /Wp/, минимальная форма простого предложения, символический знак, подлежащее, обстоятельство, вводные единицы.

**Key words:** lexical valency, semantic valency, lexico-semantic valency, semantic-syntactic valence, /Wp/, symbolic sign, subject, circumstances, introductory units.

*Ушбу мақолада /WF/ /W/ (атов бирлиги) мансуб бўлган ССГ (семантик-синтактик гуруҳ)нинг семантик валентлиги ва /F/ (шакл) грамматик валентлигининг ўзаро таъсири ҳамда уйғунлашишидан иборат бўлган бутунлик эканлиги, барча турдаги гапларда имконият даражасида туриши асосланган.*

*В данной статье разъяснена степень возможной общности языковой синтаксической модели словоформы (/WF/) во всех типах предложений; обоснована валентная способность /WF/, возникающая в результате взаимодействия и гармонирования семантической валентности ССГ (семантико-синтаксической группы), к которой относится /W/ (единица называния) и /F/ (формы), в определении структуры синтаксической конструкции и её роли в предложении.*

*In this article the degree of potential unity of a wordform syntactic model (/WF/) in all types of sentences has been defined; it has been proven that the valency potential of /WF/ which has been formed as a result of mutual influence of the semantic valency of SSG (semantic-syntactic groups) belonging to /W/ and /F/ grammatic valency can establish the contents of a semantic structure and its status in the sentence.*

**Кириш. Асосий қисм. Хулоса.**

Аниқ ва табиий фанлар рўқни остида журналда чоп этиладиган мақолаларда охириги 10 йил ичида Scopus.com, Web of know ledge.com, Science direct.com маълумотлар базасидаги юқори импакт факторли илмий журналларда чоп этилган илмий мақолаларга ҳамда “Бухоро давлат университети илмий ахбороти” журналидаги мақолаларга ҳаволалар берилиши зарур.

**ADABIYOTLAR**

1. **Yo’ldoshev M.** Badiiy matn va uning lingvopoetik tahlili asoslari. – T.: Fan, 2006. – 76 b.
2. **Fitrat A.** Adabiyot qoidalari. Tanlangan asarlar. V jildlik. – T.: Ma’naviyat, 2006. – IV jild. – B. 11-88.
3. **Muxamedov A.** O’zbek kompyuter lingvistikasi: rivojlanish tarixi, buguni va kelajagi // O’zbek tili va adabiyoti. – Toshkent, 2001. – № 3. – B. 37-41.
4. **Rustamov Sh.** Kuzgi bug’doy begona o’tlari va ularni yo’qotish omillari // Agrar fani: yutuqlari va istiqbollari / SamQXI ilmiy ishlar to’plami. – Samarqand, 2001. – B. 27-30.
5. **Kupper H.** Wörterbuch der deutschen Umgangssprache. – 3 Bände. – Hamburg, Classen Verlag, 2003. – 964 p.

**Maqolalar, tahrir hay’ati tomonidan ko’rib chiqiladi.** Maqolaga salbiy taqriz berilganda, nashr etmaslik to’g’risidagi xulosa beriladi va maqola muallifga qaytarilmaydi. **Maqolada plagiatlar 70% danoshmasligilozim.** Maqolada keltirilgan ma’lumotlar uchun muallif javobgar.

Materiallar quyidagi manzil bo’yicha qabul qilinadi: [tahririyat12@umail.uz](mailto:tahririyat12@umail.uz) (savollar bo’yicha ham shu manzilga xat yozishingiz yoki **0 (365) 221-30-32** raqamiga murojaat qilishingiz mumkin). Shuningdek, batafsil ma’lumotlarni [www.almamater.uz](http://www.almamater.uz) saytidan olishingiz mumkin.



3  
2019

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI  
ILMIY AXBOROTI

ISSN 2181-6875

